

Юртимизнинг бир гуруҳ уламолари АҚШга ташриф буюрдилар



14:58 / 05.04.2023 1609

Маълумки, ҳижрий 1443 йилнинг Рамазон ойида бир гуруҳ уламолар уммон орти мамлакатига ташриф буюришган эди. Бу йил ҳам Рамазон ойини ҳар йилгиданда шукуҳли ўтказиш мақсадида ушбу анъанага мувофиқ бир қатор устозлар ва ҳофизи Қуръонлар Америка Қўшма Штатларига ташриф буюрдилар.

Уламолар 2023 йил 5 апрелдан 23 апрелга қадар, АҚШ ва Канададаги Рамазон тадбирларида иштирок этиб, ўзбекзабон ватандошларимизга Рамазон ойининг фазилати ҳамда Ҳайит байрамининг шукуҳига шукуҳ қўшадиган мавзуларда маърифий суҳбатлар қилиб берадилар. АҚШ ва Канададаги диний маърифий тадбирларда қуйидаги уламолар иштирок

этадилар:

Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Фатво маркази бош мутахассиси ҳамда Тошкент Ислом институти катта ўқитувчиси, устоз Муҳаммад Айюбхон домла Ҳомидов.

Устоз ташриф буюрадиган шаҳарлар рўйхати:

- 5 апрель Торонто
- 6 апрель Торонто шаҳрида ифтор
- 9 апрель Нью Йорк шаҳри
- 10 апрель Нью Йорк шаҳрида ифтор
- 11 апрель Филадельфия шаҳрида ифтор
- 12 апрель Чикаго шаҳри
- 13 апрель Чикаго шаҳрида ифтор
- 14 апрель Синсиннати шаҳрида ифтор
- 15 апрель Синсиннати шаҳрида ифтор
- 16 апрель Орlando шаҳри ифтор
- 17 апрель Орlando шаҳрида ифтор, Қадр кечаси тадбири
- 21 апрель Орlando шаҳрида Ҳайит байрами тадбирлари
- 22 апрель Вашингтон шаҳрида ифтор
- 23 апрель Вашингтон - Истанбул - Тошкент

Тошкент шаҳар Чигатой даҳасидаги «Имом Бухорий» жомеъ масжиди имом-хатиби Яҳё домла Абдурахмонов.

Домла ташриф буюрадиган шаҳарлар рўйхати:

- 10 апрель Тошкент - Маями шаҳри
- 11 апрель Орlando шаҳрида ифтор
- 13 апрель Синсиннати шаҳри
- 15 апрель Синсиннати шаҳрида ифтор
- 17 апрель Нью Йорк шаҳри
- 18 апрель Нью Йорк шаҳрида ифтор
- 19 апрель Чикаго шаҳрида ифтор
- 20 апрель Синсиннати шаҳри ифтор
- 21 апрель Синсиннати шаҳрида Ҳайит тадбирлари
- 22 апрель Вашингтон шаҳри
- 23 апрель Вашингтон - Истанбул - Тошкент.

Маълумот ўрнида «Al-Bukhari islamic center» (Ал-Бухорий Ислом маркази) 2018 йилда АҚШнинг Орlando шаҳрида яшовчи ўзбекзабон мусулмонлар томонидан очилган масжид ва марказ ҳисобланади.

